

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.I.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**АШУРОВА НАСИБА БАТИРОВНА**

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚҚА  
ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**

**Content of Doctoral (DSc) Dissertational Abstract**

**Ашурова Насиба Батировна**

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш

механизмини такомиллаштириш ..... 3

**Ашурова Насиба Батировна**

Совершенствование механизма налогообложения в обеспечении

устойчивого экономического роста ..... 33

**Ashurova Nasiba Batirovna**

Improvement of the taxation mechanism in providing sustainable growth of

the economy ..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ**

**АШУРОВА НАСИБА БАТИРОВНА**

**БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚҚА  
ТОРТИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018.**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.DSc/Iqt44 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) joyлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тошматов Шуҳрат Амонович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Олимжонов Одиқ Олимович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Тошмуродова Бувсара Эгамовна  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Альмардонов Муҳаммади Ибрагимович  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт  
университети Тошкент шаҳар филиали

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил 1 июль куни соат 15 дақиқ мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил 1 июль куни тарқатилди.  
(2018 йил 1 июль дақиқ 3 рақамли реєстр баённомаси).



А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари  
доктори, профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари  
доктори, доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириб боришига эришиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш, инновацион фаолиятни рағбатлантиришда амалдаги солиққа тортиш механизмнинг таъсир доираси юқори бўлиб, аксарият ҳолларда у барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш омили бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, 2016 йилда жаҳон мамлакатлари бўйича ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичлари Хитойда 6,6 фоизни, Жанубий Кореяда 2,7, Буюк Британияда 1,8, Германияда 1,7, АҚШда 1,6, Францияда 1,3, Японияда 0,5 фоизни ташкил этган<sup>1</sup>. ЯИМга нисбатан солиқ юки даражаси эса Францияда 45,0 фоизни, Германияда 36,7, Буюк Британияда 32,9, Японияда 30,3, АҚШда 25,4, Жанубий Кореяда 24,3, Хитойда 19,4 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин<sup>2</sup>.

Ҳозирги глобаллашув шароитида солиқ юки даражаси ривожланган давлатлардаги инвестиция, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларидаги ижобий ўзгаришларга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатмоқда. Шунга кўра, бугунги кунда айнан солиққа тортиш механизмни такомиллаштириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ўсиш даражасини белгилаш, давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш ҳамда бюджет харажатлари тақсимотини самарали бошқаришда иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим шарти ҳисобланган самарали фискал сиёсатини юритиш, жумладан, солиқ дастаклари орқали инновацион ва инвестицион фаолиятларни рағбатлантириш каби йўналишлардаги илмий тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ҳозирги жадал иқтисодий ислохотлар босқичида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш самарали солиқ сиёсатини юритиш, жумладан, давлат бюджети даромадларининг барқарорлигини таъминлаш, солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, солиқлар воситасида тадбиркорлик фаолиятини кўлаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилиш, тақдим этилаётган солиқ имтиёзларининг самарадорлигини ошириш, солиқлар воситасида инвестицион ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш каби устувор йўналишлардан иборат. Мазкур йўналишлардаги вазифаларни амалга оширишда хўжалик субъектлари ҳамда тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш тартиби ва имтиёзлари, солиқ ставкаси ва турлари, солиқ солиш объекти ва базаси, шунингдек солиқ маъмуриятчилигидаги муаммоларни тадқиқ этиш асосида солиқ механизмни такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом эттириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва

<sup>1</sup>Маъба: <http://www.ereport.ru/stat.php>

<sup>2</sup>Маъба: [http://www.economywatch.com/economic-statistics/economic-indicators/Tax\\_Burden\\_Percentage\\_GDP](http://www.economywatch.com/economic-statistics/economic-indicators/Tax_Burden_Percentage_GDP)

тегишли рағбатлантирувчи чораларни кенгайтириш...»<sup>3</sup> вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-418-сон, 2016 йил 27 декабрдаги «Солиқ ва бюджет сисъатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-417-сон қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2017 йил 18 июлдаги ПФ-5116-сон «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодий модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқ механизмнинг ўрни ва солиқ тизимининг иқтисодий ўсишга таъсири бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи университет ва илмий марказларида, жумладан, University of California, University of North Carolina at Chapel Hill, University of Chicago, The University of Miami, Illinois State University, The World Bank, Makrothink Institute, Harvard University, Suffolk University (AQSH), American University of Nigeria (Нигерия), Hiroshima University

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»даги ПФ-4947-сон Фармони. – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

(Япония), Nanyang University (Жанубий Корея), Universita Degli Studi di Palermo (Италия), The University of Faisalabad (Покистон), Oxford University, Institute for Fiscal Studies (Буюк Британия), Финансовый Университет при правительстве Российской Федерации, Орловский государственный университет имени И.С.Тургенева (Россия) олимлари томонидан олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодий ўсишга таъсирини ошириш юзасидан жаҳонда бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, қуйидаги натижалар олинган: юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг оширилиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатиши ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасининг оширилиши эса таъсир этмаслиги исботланган (Hiroshima University, Япония); иқтисодий ўсишга солиқларнинг таъсири ўрганилиб, унда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг 10 фоизга пасайиши йиллик иқтисодий ўсишнинг 1-2 фоизга ўсишига олиб келиши асосланган (Nanyang University, University of Chicago); солиққа тортиш тизимининг инвестиция ва иқтисодий ўсишга таъсири регрессия таҳлили асосида ўрганилиб, 1 фоиз корпоратив солиқ ставкасининг оширилиши инвестиция миқдорининг камайишига олиб келиши мумкинлиги тадқиқ этилган (Makrothink Institute, АҚШ); бевосита ва билвосита солиқлар ставкалари ўзгаришининг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилиб, унда юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасига нисбатан суғурта бадаллари ҳамда истеъмол солиқларининг ставкаси ошиб бориши ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсишига кўпроқ салбий таъсири кўрсатиши илмий асосланган (Universita Degli Studi di Palermo, Италия); тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантириш, солиқ имтиёзларининг иқтисодий ўсишнинг омили сифатида фойдаланиш бошқа омиллarga нисбатан самарали эканлиги исботланган (Suffolk University, Boston, АҚШ); солиқ механизми барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи восита эканлиги ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга оширишда асосий инструмент сифатида солиқ механизмининг иқтисодий ўсишга таъсири ўрганилиб, амалга ошириш схемаси таклиф этилган (Орловский государственный университет, Россия).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Солиққа тортиш билан боғлиқ назарий қарашлар иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, Т.Гоббс, П.Самуэльсон, Ю.Фишер, К.Макконнелл, Н.Менкью, С.Брю, В.Белостоцкая, С.Барулин, Е.Кирова, Е.Егорова, Д.Черник, Т.Юткина, В.Титов, Л.Минь, Д.Юмнинг илмий асарларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>.

<sup>4</sup>Макконнелл К., Брю С. Экономика. Принципы, проблемы и политика.—М.: Республика, 1992.—972 с.; Балацкий Е. Лефферовы эффекты и финансовые критерии экономической деятельности//МЭиМО.—М., 1997.—№11.—С. 31-43; Менкью Н.Г. Принципы экономики.—СПб: Питер Ком, 1999.—С. 356; Петти У. Трактат о налогах и сборах. Слово мудрым. Разное о деньгах — М: Ось-89, 1997.—С. 346; Рикардо Д. Начала политической экономии и налогового обложения. Сочинения, том I. Государственное издательство политической литературы.—М., 1955.—С. 360; Смит А. Исследования о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ.—М., 1962.—С. 408; Самуэльсон П.А., Нордкаус В.Д. Экономика: Пер. с англ.—15-е изд. — М: Бизном-КНОРУС,

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар А.Ваҳобов, Ш.Тошматов, М.Альмардонов, А.Жўраев, Т.Маликов, А.Пардаев, Б.Исроилов, О.Абдурахмонов, Б.Тошмуродова, Қ.Яхёев, Н.Хайдаров, Б.Азимов, Н.Қўзиёва, У.Раджапов, Б.Санакулова ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида солиққа тортиш масалалари умумлаштирилган ҳолда ёритилган<sup>5</sup>. Иқтисодийнинг турли тармоқларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизми ва улар фаолиятида солиқ юқини аниқлаш, баҳолаш ва оптималлаштириш масалалари И.Ниязметов, Ш.Тўраев, О.Ғайбуллаев, А.Ботиров, Ж.Ўрмонов, солиқ юқига таъсир этувчи омиллар, хусусан, солиқ маъмуриятчилигини самарали ташкил этиш масалалари А.Маликов ва солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари О.Юлдашев томонидан тадқиқ этилган<sup>6</sup>. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш масалалари Б.Санакуловнинг тадқиқотларида ўрганилган.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий-тадқиқот ишлари ва олиб боришган илмий-назарий изланишларга қарамасдан, айнан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда реал сектор корхоналарини солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш масалалари комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилманган. Мазкур ҳолат диссертация ишида тадқиқ этилган илмий-амалий муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг долзарблик даражасини белгилаб беради.

---

1999.–С.800; Белостошкая В.А. Системный подход к измерению налоговой нагрузки//Финансы. – М., 2003.– №336.–37с.; Кирова Е.А. Методология определения налоговой нагрузки на хозяйствующие субъекты //Финансы.–М., 1998.–№9.–С. 30-32; Титов В.В. Влияние налоговой системы на эффективность деятельности предприятия//Финансы.– М, 2006.–№2.–С. 42-46; Черник Д.Г. Налоги. 4-е издание.–М.: Финансы и статистика, 2000.–С. 430; Юлина Т.Ф. Налоги и налогообложение: Учебник 2-е изд., перераб. и доп. –ИНФРА-М, 2002.–С. 576; Минь Л. Налоговый механизм как средство обеспечения устойчивости экономического развития. Дисс. док экон. наук –Р.: Орен, 2015.–165 с.

<sup>5</sup> Улмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодий назарияси. Дарслик (қўлдан олинган ва қайта ишланган нашла).–Т.: Иқтисод-модина, 2014.– 460 б.; Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли: Монография.–Т.: Fan va technologya, 2008.–204 б.; Жўраев А.С. Давлат бюджетни даромадларини тақдирлашнинг самарали йўллари: Монография.–Т.: Фан, 2004.–243 б.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари.–Т.: Академия, 2000.–276 б.; Пардаев А., Азимов Б. Корхоналар фаолиятини солиқлар воситасида бошқариш.–Т.: Zar qalam, 2005.–68 б.; Раджапов У.А. Ўзбекистон иқтисодийнинг эркинлаштириш шартинида солиқ механизминини такомиллаштириш. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2006.–24 б.; Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодийнинг бошқариш механизми: Монография.–Т.: Янги аср аллоди, 2002.–127 б.; Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти.–Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003.–247 б.; Хайдаров Н.Х. Иқтисодийнинг эркинлаштириш шартинида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. дис. автореф.–Т., 2003.–34 б.; Санакулова Б.Р. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизминини такомиллаштириш орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш. И.ф.д. дис. автореф.–Т., 2015.–91 б.

<sup>6</sup> Ниязметов И.М. Солиқ юқининг тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига ва бюджет даромадларига таъсири. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2008.–24 б.; Тўраев Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юқини оптималлаштириш масалалари. И.ф.н. дис.–Т., 2008.–24 б.; Ғайбуллаев О.З. Солиқ юқини баҳолашнинг такомиллаштириш масалалари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2004.–20 б.; Ботиров А.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш амалиётини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2012.–23 б.; Ўрмонов Ж.Ж. Кичик бизнесни ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантириш функциясидан самарали фойдаланиш истиқболлари. И.ф.н. дис. автореф.–Т.: 2010.–23 б.; Маликов А.Т. Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини самарали ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2011.–24 б.; Юлдашев О.Т. Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. дис. автореф.–Т., 2011.–23 б.



Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академиясининг

A2-014 «Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш» номли илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлашда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган назарий-услубий ҳамда амалий йўналтирилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

иқтисодий ўсиш ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг концептуал асосларининг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш асосида умумлаштириш;

солиқ имтиёзларининг тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш ва солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор хориж давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида уларни Ўзбекистонда қўллаш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштиришда солиқларни ҳисоблаш ва ундириш тартибини тадқиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ҳуқуқий-институционал асосларини ўрганиш ва асослаш;

бюджет даромадларини шакллантиришда тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган солиқларнинг фискал аҳамиятини ёритиш;

солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни илмий жиҳатдан асослаш;

макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда солиқ юкени камайтириш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда юридик шахс мақомида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва уларни солиққа тортиш механизми олинган.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида гуруҳлаш, қиёсий ва иқтисодий таҳлил, анкета сўровномаларини ўтказиш, таққослаш ҳамда иқтисодий-математик моделлаштириш ва прогнозлаш усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

солиқларни ҳисоблаш ва ундириш механизмини мақбуллаштиришда солиқ ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказилиш жараёнида

тадбиркорлик субъектлари томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботлари тақдим этиш тартиби такомиллаштирилган;

тадбиркорлик субъектларининг ноозик-овқат истеъмол товарлари билан ички бозорни таъминлашдаги ролини ошириш ва ички бозордаги ушбу маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш зарурияти асосланган;

реал сектор корхоналарида солиқ имтиёзлари бўйича бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва маҳаллийлаштириш дастури бўйича берилган солиқ имтиёзлари ҳисоб сисъативинг юритилиши натижасида маҳсулот таннаرخини пасайтиришга эришилган;

тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари тақдим этиш натижасида бўшаган маблағларни жамлаш ҳамда уларни зарур инвестиция миқдорига етунга қадар келгуси даврга ўтказиш йўли билан ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилашга йўналтириш таклифи асосланган;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солигининг хусусиятлари, уни ҳисоблаш усули ва бюджет даромадларини шакллантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар бўйича мустақил муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

худудлар фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига солиқ имтиёзлари фақат асосий фаолият тури ҳисобланган ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизматлар (савдо, воситачилик ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш фаолиятидан олинган даромадларга нисбатан қўлланишини назарда тутувчи алоҳида солиқ режимларини тақдим этиш тартиби такомиллаштирилган;

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун фойдаланилаётган мол-мулк ва ер майдонлари бўйича солиқ чегирмаларини бериш тартибининг жорий этилиши амалда тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга хизмат қилиши илмий-амалий асосланган;

маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзларнинг маҳаллий бюджет даромадларига таъсирини баҳолаш ва ижтимоий-иқтисодий самарасини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилувчи баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилган;

солиқ юкини оптималлаштириш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўп омилли эконометрик модель тузилиб, унга кўра солиқ юкининг 1 фоизга камайиши, ЯИМни ўртача 0,27 фоизга ортишига олиб келиши аниқланган;

Ўзбекистонда солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотлар базасининг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги,

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг статистик маълумотларидан олинганлиги ва мавзу доирасида тадбиркорлик субъектлари ўртасида анкета сўровномалари ўтказилганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий қилинганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга оид назарий-методологик ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга бағишланган махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклифлар, амалий тавсияларни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмини такомиллаштиришга доир иқтисодий дастурлар ва истиқбол режаларни тузишда ҳамда Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган чоратадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Ишнинг тегишли натижаларидан «Юридик шахсларни солиққа тортиш», «Солиқ сиёсати стратегияси», «Солиқ тизими ва уни такомиллаштириш», «Иқтисодий таъминлаш солиқлар воситасида тартибга солиш» каби фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

рақобатбардош юқори сифатли маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини тўйинтириш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, бунинг асосида бандликни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлик даражасини ошириш мақсадида солиқ имтиёзларининг амал қилиш муддатларини узайтириш юзасидан берилган таклиф солиққа тортиш амалиётига татбиқ этилган (Давлат солиқ кўмитасининг 2016 йил 26 июлдаги 16/1-15839-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида 2016 йил биринчи ярим йиллик маълумотларига кўра, республика бўйича берилган имтиёزلардан фойдаланувчи тадбиркорлик субъектларининг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 341 тага кўпайиб, 32,1 млн. сўм миқдордаги солиқ имтиёзлари сифатидаги қўшимча маблағларнинг мазкур субъектлар ихтиёрида қолдирилиши ва фаолиятларини ривожлантириш учун қайта инвестиция қилинишига замин яратган;

тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларининг камерал назорат натижалари бўйича аниқлаштирилган солиқ ҳисобстани топширишдаги масъулиятини ошириш юзасидан

тафовутлар келиб чиққанда тавофутни юзага келиш асосларини ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганда солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиш бўйича ҳуқуқни солиқ идораларига бериш таклифи амалиётга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 26 июлдаги 16/1-15839-сон маълумотномаси). Натижада аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этмайдиган солиқ тўловчиларнинг сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан кескин камайиб, 288 тани ташкил этди. Ўз навбатида камерал назорат натижасида давлат бюджетига 128,0 млн сўм қўшимча маблағлар тушумига эришилган;

хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шарти билан берилган имтиёзлар миқдорини жамлаш ҳамда жамланган суммани ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник ҳамда технологик янгилаш учун зарур инвестиция миқдорига етгунга қадар келгуси даврга ўтказиш таклифи амалиётга жорий этилган (Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 20 августдаги 16/1-086-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида корхона учун зарур бўлган янги техника ва технологияни ўзи хоҳлаган вақтда сотиб олиш имконияти яратилган;

маҳаллийлаштириш давлат дастури бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарда таннархни пайсантиришга ва мақсади кўрсатилмаган солиқ имтиёзлари бўйича бўшаётган маблағларни ҳисобини юритишга доир амалий таклифлар иқтисодиётнинг реал сектор корхоналарида амалиётга жорий этилган («Navoiyazot» акциядорлик жамиятининг 2016 йил 10 июндаги 14-4011-сон ва «Шўртаннефтегаз» унитар шўъба корхонасининг 2012 йил 12 июндаги маълумотномалари). Натижада солиқ имтиёзларидан тўғри фойдаланиш ҳисобига ушбу корхоналар ихтиёрида қолдирилмаган фойда ҳажмининг тегишли равишда 273,0 млн. сўм ҳамда 32,4 млн. сўмга ошишига эришилган;

тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солиғининг хусусиятлари, уни ҳисоблаш усули ва бюджет даромадларини шакллантириш борасидаги илмий-назарий қарашлар «Юридик шахсларни солиққа тортиш» фани бўйича дарсликка киритилган (15.08.2012 й.; №332/1). Мазкур илмий натижалардан дарсликда фойдаланиш тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда қўшилган қиймат солиғининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 40 та, жумладан 28 та республика ва 12 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 60 та илмий иш, шу жумладан, битта дарслик, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия

этилган илмий ишларида 18 та мақола, шундан 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Тадқиқот ҳажми 228 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланиб, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янглиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Иқтисодиётни ривожлантиришнинг концептуал асослари ва замонавий моделлари» деб номланган биринчи бобида барқарор иқтисодий ўсишнинг омиллари ва замонавий моделларининг солиқ сиёсатидаги ўрни, иқтисодий ривожланиш цикллари ва иқтисодий инқирозларнинг солиқ сиёсатида таъсири, замонавий тадбиркорлик назарияси ва уни ривожланиш босқичлари ўрганилган ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб қиёсий таҳлил амалга оширилган. Маълумки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштиришда тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш зарурлиги кенг миқёсда ўрганилиб келинмоқда. Иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассисларнинг мазкур муаммонинг ечимини ҳал қилиш борасида қарашлари турлича бўлиб, ҳар хил ёндашувлар асосида шаклланган. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида муҳим аҳамият касб этувчи фискал сиёсатнинг, жумладан солиққа тортиш тизими иқтисодий ўсишга таъсирини ўрганиш дунёнинг етакчи мутахассислари илмий тадқиқотлари марказида бўлиб келган. Нобель мукофоти совриндори А.Б.Аткинсон иқтисодиётга солиқларнинг таъсири ҳақида тўхталиб, «муаммо шундаки, солиқларнинг кўп олинishi давлатнинг харажат манбаи сифатида жамиятга қайта тақсимланиши натижасида кўпроқ наф келтириши мумкин, лекин бундай тарзда солиқларни кўпайтириш ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг барқарор ўсишига хизмат қилмайди»<sup>7</sup>, деб таъкидлаган. Шунингдек, иқтисодий ўсиш суръатлари юқори бўлган мамлакатларда мос равишда солиқ ва йиғимлар ҳам тез суръатларда ошиб боради ёки ривожланаётган давлатларда солиқ юкининг камайishi ҳисобига ЯИМнинг ўсишини аниқлашда ЯИМни ҳисоблашдаги муаммолар инобатга олинishi зарур. Ушбу муаммоларни ҳал қилишдаги муҳим ёндашув сифатида давлат

<sup>7</sup> Atkinson, Anthony B. "The Welfare State and Economic Performance". National Tax Journal 48 No. 2 (June, 1995).

ҳаражатлари ва солиққа тортишдаги ўзгаришларни инструментал боғлиқликда кўриб чиқиш талаб этилади<sup>8</sup>.

Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, солиқларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини аниқлашда мамлакатнинг ривожланиш даражаси, солиққа тортиш сиёсати, давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг усуллари ва бошқа омиллар ҳисобга олинishi керак. Сўнгги йилларда айрим мамлакатлар солиққа тортишни кескин оширган бўлса, бошқаларида деярли ўзгаришлар кузатилмаган. 1960 йиллардан бошлаб Франция, Буюк Британия каби давлатларда кўшилган қиймат солиғи жорий этилган бўлса, АҚШ корпоратив солиқ солиш тизимини саклаб қолди. Бундай давлатлараро таққослаш ва маълумотларни илмий тадқиқ қилиш юқори даражадаги солиқлар ишлаб чиқаришнинг ўсишга салбий таъсир этишини кўрсатмоқда<sup>9</sup>. Африка мамлакатлари маълумотлари асосида олиб борилган тадқиқотда экспортдан ва сотишдан олинadиган солиқларга нисбатан корпоратив солиқ, даромад солиғи ва импорт божларининг ошиши ишлаб чиқаришнинг кўпроқ қисқаришига олиб келган<sup>10</sup>.

Иқтисодий ривожланиш жуда серқирра жараён бўлиб, у ўз ичига иқтисодий ўсиш, иқтисодиётдаги ижобий таркибий ўзгаришлар, аҳоли ҳаётининг сифати ва шарт-шароитларининг такомиллашувини олади. Иқтисодий ривожланишнинг юксалиш ва инқироз даврлари, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришлар, иқтисодий ислохотларнинг ижобий ҳамда салбий жиҳатлари кузатилади. Иқтисодий ўсиш шунингдек, иқтисодиётда солиқ юқини пасайтиришга қаратилган ва амалга оширилаётган молиявий-иқтисодий сиёсат билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг барча минтақаларида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишчан муҳит яратиш, кенг эркинлик бериш бугунги куннинг долзарб вазифалардан биридир. Мазкур вазифани амалга оширишнинг таъсирчан чора-тадбирларидан бири сифатида оқилона солиқ сиёсатини юритиш талаб этилади. Демак, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмининг такомиллаштириш, улар фаолиятини солиқлар воситасида молиявий рағбатлантириш, ундириладиган солиқларнинг ҳисоблаш тартибини соддалаштириш орқали янада ривожлантириш муҳим омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари зиммасига тушадиган солиқ юқининг янада камайтирилиши, уларга кенг имтиёз ва преференцияларнинг тақдим этилиши, уларнинг жаҳон бозорларига ўз маҳсулотларини сотиш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ЯИМни яратилишида нодавлат сектори ҳиссасининг кескин ошаётганлигини кузагиш мумкин, агар бу кўрсаткич

<sup>8</sup> Barro, Robert J. "Government Spending in a Simple Model of Endogenous Growth." *Journal of Political Economy* 98 No. 5 (October, 1990, part 2).

<sup>9</sup> Engen, Eric, and Jonathan Skinner. Taxation and economic growth. *National Tax Journal*, Vol. 49, No. 4 (December, 1996).

<sup>10</sup> Skinner, Jonathan. "Taxation and Output Growth in Africa." *Policy, Planning and Research Working Paper 73*. Washington, D.C.: The World Bank, August, 1988.

1995 йилда 58,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда 72,6, 2010 йилда 79,6, 2016 йилда 81,3 фоизга етган, шунингдек, ушбу йилда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 56,9 фоизга<sup>11</sup> тенг бўлган. Бу, ўз навбатида, мамлакат ЯИМни шаклланишида тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси юқори эканлигидан далолат беради.

Мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш айнан тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётдаги аҳоли бандлигини таъминлаш, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан ифодаланади. Бунда солиқ сиёсатининг мутлақ устунликка эга бўлган макбул шакли мавжуд эмас, солиқ сиёсатининг у ёки бу шаклининг қўланиши мамлакатдаги иқтисодий, ижтимоий ва ҳатто сиёсий ҳолат билан боғлиқдир. Лекин шунга қарамай иқтисодий тараққиётнинг айрим моделларига хос бўлган ҳамда кенг қўлланиладиган солиқ муносабатларини келтириб ўтиш мумкин.

Скандинавия давлатларига хос иқтисодий тараққиёт моделида солиқ ставкаларининг юқори даражасини сақлаиб қолса-да, устувор иқтисодий йўналишларни солиқлар воситасида рағбатлантириш мақсадида солиқ чегирмаларидан кенг фойдаланилади. Ривожланаётган давлатларда солиқ имтиёзларига асосий урғу берилиб, иқтисодиётни ривожлантириш ва бу орқали кенгайган солиқ солинадиган базани шакллантириш ҳамда «қўлам самараси» натижасида солиқ тушумларининг ошишини назарда тутати.

Ижтимоий бозор ҳўжалиги ва англо-саксон иқтисодий модели эркин иқтисодиётга асосланганлигидан нисбатан юқори корпоратив ва даромад солиғига тортиш ҳисобига давлат бюджетига катта ҳажмда солиқ тушумларини ва давлатнинг иқтисодий салоҳияти ривожлантириш орқали, ижтимоий соҳадаги йирик давлат дастурларини молиялаштириш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш имкониятини яратади (1-расм).

Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туриш ва инқирозлар олдини олиш юзасидан солиқ сиёсатини самарали юритишда солиқ механизмининг дастакларидан фойдаланилади. Унга кўра мамлакат иқтисодиётига солиққа тортиш тартибини қўллаш, кенг қўламдаги инвестицияларни жалб қилиш мақсадида солиқлар воситасида рағбатлантириш, айрим соҳаларни ривожлантиришда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали имтиёзларни қўллаш, аҳолининг тўлов қобилияти ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг даромадларидан олинадиган солиқлар бўйича имтиёзлар бериш орқали таъсир кўрсатилади.

<sup>11</sup> <https://stat.uz/statinfo/makroko-rsatkichlar/88-interaktivnyo-uslugi/590-o-zbekiston-respublikasining-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari-2>



1-расм. Иқтисодий ривожланиш моделлари ва солиқ сиёсати муносибатлари<sup>12</sup>

Самарали солиқ сиёсатини қўллаш тадбиркорлик фаолиятининг янада ривожланиб боришига олиб келади ва ўз навбатида иқтисодий инқирозларнинг олди олинади. Шундай экан, олиб борилаётган солиқ сиёсати, бир томондан, уларнинг фаолиятини рағбатлантирса, иккинчи томондан, даромадларининг маълум бир қисмини солиқлар орқали бюджетга йўналтиради. Мазкур жараён солиққа тортиш механизмини самарали ташкил этиш ҳамда иқтисодиётда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан бир қаторда бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлайди. Ушбу келтирилган назарий қондалар ва амалий тажрибаларнинг тахлили шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолиятининг тараққий этиб боришида солиқ солишнинг турли йўналишлари, восита ва усулларидан фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортиш механизмининг назарий ва услубий асослари» деб номланган иккинчи бобида тадбиркорлик фаолиятини солиққа тортишнинг объектив зарурлиги ва назарий асослари, тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятини

<sup>12</sup>Муаллиф томондан тузилган.




рағбатлантиришда солиқ имтиёзи ва преференцияларининг аҳамияти, тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг илғор хориж тажрибасига оид бўлган таҳлиллар амалга оширилган.

Давлатнинг иқтисодий ва молиявий сиёсатини амалга оширишда солиқ сиёсатидан ва уларнинг асосий дастаклардан фойдаланилади. Солиқ сиёсатини амалга оширишда, солиқ тизими ва солиқ механизмларининг амал қилиши орқали давлатнинг молиявий ресурсларини жамғариш вазифаси бажарилади. Иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлаш жараёнида давлатнинг олиб бораётган солиқ сиёсати муҳим аҳамият касб этиб, айнан солиқ механизмнинг амалда ишлаши натижасида давлат самарали солиқ тизимини ташкил этишга эришади. Бунда эса илмий жиҳатдан асосланган солиқ механизми концептуал асосларининг яратилиши талаб этилади (2-расм).

Тадқиқотчи томонидан солиқ механизми ҳамда солиққа тортиш механизмларига қуйидагича таъриф берилган: «Солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида солиққа тортиш усул ва қоидаларнинг амалда қўлланилиши солиқ механизmdir. Солиқ механизмнинг муҳим бўлаги ҳисобланган солиққа тортиш механизми бу – солиқ тўловчилар учун белгиланган солиқ солиш тартиби бўйича солиқ солинадиган объектни аниқлаш, имтиёзларни қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқилган, солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб ўрнатилган ставкаларда, солиқ даврида бюджетга тўланадиган солиқ суммасини аниқлаш жараёнидир».

Солиқ механизмнинг асосий вазифаларини амалга оширишда объектив ва субъектив омиллар, сиёсий жараёнлар ҳамда давлатнинг олдида қўйилган мақсадлари инобатга олинади. Қўйилган мақсадга эришиш учун иқтисодий, ижтимоий, халқаро, экологик ва қонунбузарликларни олдини олиш вазифаларини бажариш муҳим аҳамият касб этади. Келтирилган вазифаларни бажариш учун солиқ механизмнинг дастаклари, тамойиллари, элементлари, функцияларидан ва солиқ маъмуриятчилигидан фойдаланилади. Солиқ механизмнинг концептуал асоси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми ҳисобланиб, у самарали солиқ сиёсатини амалга оширишга йўналтирилган. Давлатнинг миллий бойликларидан оқилona фойдаланиш, жамият ва давлат манфаатларини эътиборга олган ҳолда солиқлар воситасида рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлилий маълумотлар шуни кўрсатадики, 2005-2016 йилларда ЯИМнинг ўсиш кўрсаткичларининг барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, солиқ юки эса пасайиб борган. Аммо, бюджет даромадлари кўрсаткичлари тебранувчан тенденцияга эгадир.




2-расм. Солиқ механизмнинг концептуал асослари<sup>13</sup>

Энг асосийси, таҳлил қилинаётган даврда ЯИМнинг ўсиши таъминланиб, давлат бюджети даромадлари миқдорида ҳам ўсиш тенденцияси


<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

сақланиб қолган (3-расм). Бюджет даромадларининг тебраниб туриши шу даврлар мобайнида айрим солиқ имтиёзларининг муддати тугаганлиги ва солиқ тўловчиларнинг сони ортиб борганлиги эвазига солиқ имтиёзлари миқдори камайиб, солиқ тушумларининг ўсишига олиб келган. Солиқ ислохотларини амалга оширишда иқтисодиётни барқарорлаштирувчи омиллардан бири сифатида солиқ механизмнинг иқтисодий жараёнларга салбий таъсир кўрсатмаслигига эришиш лозим.



3-расм. Ўзбекистонда ЯИМ, бюджет даромадлари ўсиши ва солиқ юки кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси<sup>14</sup>

Бюджетнинг солиқли даромадлари ҳажмини белгиланган солиқ юки даражаси асосида режалаштириш мақсадга мувофиқдир, яъни, ҳар бир солиқ тури ва ҳудуд бўйича солиқ салоҳиятидан келиб чиқиб солиқ тушумлари прогноزلаштирилиши зарур. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ турлари бўйича солиқ тушумлари динамикаси кўрсаткичлари таҳлил этилган (4-расм).



4-расм. Давлат бюджети даромадларининг таркибий динамикаси, фоизда<sup>15</sup>

Ушбу келтирилган маълумотлардан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда кейинги 10 йил оралиғида

<sup>14</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Манба: <https://stat.uz/uz/statinfo/makroko-rsatkiclar/88-interaktivnye-uslugi/590-o-zbekiston-respublikasi-ni-makroiqtisodiy-ko-rsatkiclar-2> ва <https://www.mf.uz/uz/home/deyatelnost/gosudarstvennyj-byudzet.html>.

<sup>15</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Манба: <https://www.mf.uz/uz/home/deyatelnost/gosudarstvennyj-byudzet.html>.

(2007-2016 йиллар) бевосита солиқлар ва бошқа даромадлар ҳисобидан кескин ўзгариб бориши ёки қатъий бир хил шаклланган тенденцияни аниқлашнинг иложи йўқ. Чунки, бу солиқ турлари бўйича тадқиқот ўтказилаётган даврда уларнинг Давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги салмоқларида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлмаган. Уларнинг салмоғи бевосита солиқлар бўйича 25,6 фоиздан 24,0 фоизгача, бошқа даромадлар бўйича 10,8 фоиздан 10,1 фоизгача тебранган. Аксинча, ресурс тўловлари ва мол-мулк солиқлари бўйича 16,2 фоиздан 12,9 фоизгача ўзгариб турган ва уларнинг салмоғи бюджет даромадларини шакллантиришда узлуксиз пасайиб бориш тенденциясига эга бўлиб, билвосита солиқлар бўйича эса 47,4 фоиздан 51,5 фоизгача ўсиб боришини кўриш мумкин. Тадбиркорлик фаолияти барча соҳаларда ривожланиб бораётганлиги, бунга эса бошқа омиллар билан бир қаторда, солиқ сиёсатида кейинги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг ўз таъсирини кўрсатганлиги билан изоҳлаш мумкин. Иқтисодий юксалиш ва молиявий барқарорлик талабларига жавоб берадиган солиқ тизимини яратишда асосий эътибор солиқ юкининг мақбул даражасини белгилаш орқали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилиши зарур. Солиқ тизимида тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш мақсадида бериладиган имтиёзлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Шундай экан, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини рағбатлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзлари ҳисобга олинган ҳолда, бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичларига тузатишлар киритиш талаб этилади. Солиқ ставкаларини танлашда бевосита ва билвосита солиқлар ўртасидаги энг мақбул нисбатни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, асосий эътибор бевосита солиқлар бўйича имтиёзларни жорий этиш натижасида юзага келадиган йўқотишларни билвосита солиқлар асосида қоплаш имкониятлари кўзда тутилиши керак. Бевосита солиқлар бўйича имтиёзларнинг манзиллилиги ва мақсадлилиги даражаси юқорироқ ҳисобланади.

Бугунги кунда солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Тадбиркорлик субъектларига бериладиган солиқ имтиёзлари йилдан-йилга ошиб бормоқда, аммо 2016 йилда айрим имтиёзлар бекор қилиниши оқибатида уларнинг салмоғи бирмунча пасайган. Жами бюджет даромадлари таркибида юридик шахслар томонидан тўланадиган бевосита солиқ имтиёзлари улуши динамикасининг таҳлили юридик шахсларга бериладиган бевосита солиқлар бўйича имтиёзлар ўзгарувчан тенденцияга эғалигини кўриш мумкин. Солиқ тушумлари салмоғининг йилдан-йилга ошиб бориши, юридик шахслар тўлаётган бевосита солиқлар миқдорининг ўсиб боришига мутаносиб тарзда юз берган, юридик шахслар тўлаётган бевосита (бевосита ва ресурс) солиқлари бўйича имтиёзлар улуши ҳам 2008 йилда 4,5 фоиз бўлган бўлса, 2016 йилга келиб 6,2 фоизни ташкил этган (5-расм).



5-расм. 2008-2016 йилларда солиқ имтиёзларининг ўзгариш динамикаси, давлат бюджети даромадларига нисбатан фойзда<sup>16</sup>


Тадбиркорлик субъектларига берилган имтиёзлар миқдори ҳам бюджет даромадларига мос равишда 22,6-21,8 фоиз атрофида, солиқ имтиёзлари эса 0,8 фоизга ўсиб борган. Лекин шу билан бир пайтда, бевосита (бевосита ва ресурс) солиқлар бўйича берилган солиқ имтиёзларининг миқдори йилдан-йилга ўсиб борсада, уларнинг салмоғи умумий имтиёзлар миқдориди унча кўп бўлмаган улушга эгадир.

Диссертациянинг «Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш механизмнинг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари» деб номланган учинчи бобда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг ҳуқуқий-институционал асослари, солиққа тортиш механизмнинг амалдаги ҳолатини баҳолаш бўйича ўтказилган анкета-сўровномалари натижалари ва уларнинг фаолиятини солиқ имтиёзлари орқали рағбатлантиришнинг амалдаги ҳолати таҳлили тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса, солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш, солиқларнинг фискал, рағбатлантирувчи функцияларини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда иқтисодиётда тутган ўрнини ошириш энг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Республикада бир томондан, бюджет даромадларини барқарор шакллантиришни таъминлаш вазифасини солиқлар орқали ҳал этиш йўлга қўйилган бўлсада, иккинчи томондан, тадбиркорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни таркибий қайта қуришнинг асоси бўлмиш инвестиция ва хўжалик фаоллигини оширишни рағбатлантириш вазифаси бевосита солиқлар зиммасига юклатилган.

Шундай экан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоьлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ва уни амалга ошириш механизми белгилаб берилган.

<sup>16</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тегишли йиллардаги Таҳлилий ахборотнома маълумотлари.



**6-расм. Ўзбекистонда солиқ-бюджет сисъатини амалга оширишнинг асосий йўналишлари<sup>17</sup>**

<sup>17</sup> Муаллиф томонидан тузилган. Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони.

Ушбу механизмда, жумладан, солиқ имтиёзларини алоҳида субъектларга бериш ўрнига соҳалар ёки товарлар (хизматлар, ишлар) турларига нисбатан жорий этиш; солиқ юкини камайтириш ва соддалаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришни ва солиққа тортиладиган базани кенгайтириш; кичик корхоналарни йирик корхоналар тоифасига ўтишини рағбатлантирувчи тизимни жорий этиш; солиқ маъмуриятчилиги ва назоратини ташкил этиш тартиби ва методологиясини илғор халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган (6-расм).

Ўзбекистонда кейинги йиллар давомида тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлигини ва кўламини янада ошириш, солиқ текширувларини қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Бунинг натижасида назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини камайишига, экспорт салоҳиятини оширишга ва маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кўлайитиришда, тадбиркорлик субъектларининг фаол иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиб борилаётганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар ва тадбиркорлик субъектларига берилган енгилликлар Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиққа тортиш механизмнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда баҳолашда тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказиш жараёни муҳим ҳисобланади. Тадқиқотни амалга ошириш давомида 488 та тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалари ўтказилиб, сўровномаларда келтирилган саволларга респондентлар томонидан берилган жавобларга асосланган ҳолда таҳлил натижалари умумлаштирилди. Жумладан, сўровномада иштирок этган респондентларнинг 55,8 фоизи солиқ юки даражаси юқорилигини, 46 фоизи солиқ ставкаларини янада камайитиришни, 35 фоизи солиққа тортиш базасини қайта кўриб чиқиш лозимлигини, 19 фоиз респондентлар солиқ имтиёзларини кўпайтирилиши улар фаолиятини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлашган. Тадқиқотда ўтказилган сўровномалар натижасида Ўзбекистонда келгусида тадбиркорлик субъектларининг зиммасидаги солиқ юкини камайитиришда солиқ ставкаларини табақалаштириш, солиқ солинадиган базани шакллантиришдаги ноаниқликларни бартараф этиш ҳамда мақсадли имтиёзларни жорий этиш орқали имтиёзлар таркибини оптималлаштириш йўналишларини амалга оширилишига имкон яратилиши ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни рағбатлантиришга доир самарали солиқ механизмни шакллантиришда жаҳон тажрибасини таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий-инновацион фаолият билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига солиқ кредитлари, солиқдан чегирмалар ва солиқлардан озод этиш каби солиқ имтиёзлари қўлланилар экан. Масалан, Буюк Британия, Бельгия, Дания

ва Австралида солиқдан 13,5 фоиз чегирмалар берилади<sup>18</sup>. Францияда эса, ёш инновацион компаниялар ҳар йили солиқларни тўлашдан озод қилинади, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларига жалб қилинган ишчи-ҳодимларнинг иш ҳақи кўринишдаги даромадлари солиққа тортилмайди<sup>19</sup>. Бундай имтиёзларнинг қўлланилиши олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган изланувчилар ва талабаларнинг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиради. Германия, Финляндия, Исландия ва Швецияда илмий-инновацион фаолиятига қилинган харажатлар солиққа тортиладиган фойдадан чегирлиб ташланади. Буюк Британияда илмий-тадқиқот корхоналари корпоратив солиқдан озод этилади. Япония ва АҚШда солиқ кредитлари ҳар йили қайта кўриб чиқилиб, инновацион корхоналарга қиладиган харажатлари учун солиқ кредитлари ва солиққа тортиладиган базадан тўлиқ ёки қисман чегирмалар берилади. Буюк Британияда корпорация солиғининг базавий ставкаси 20-26 фоизни ташкил этса-да, корхоналарнинг интеллектуал мулк объектларидан олинган даромадлари 10 фоизлик имтиёзли солиқ ставкалари бўйича солиққа тортилади<sup>20</sup>. Худди шундай тарзда Франция, Бельгия, Испанияда ҳам пасайтирилган ставкалар қўлланилади. Айниқса, инновацион фаолиятни рағбатлантирувчи солиққа тортиш механизмларининг етарлича жорий этилганлиги ривожланган иқтисодий мамлакатларда бевосита иқтисодий ўсиш суръатларига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида инновацион жараёнлар ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантиришга қаратилган солиқ механизмлари яратилмаганлиги ва доимий амал қилувчи солиқ имтиёзлари камлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда корхоналарнинг инновацион фаолиятга йўналтирилган ўз маблағлари 2010 йилда 69,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда 45,9 фоизга тенг бўлиб, қолган қисми хорижий инвестициялар, тижорат банкларнинг кредитлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва улар учун қулай имкониятлар яратиш муҳим аҳамият касб этади (7-расм). Корхона ва ташкилотларнинг инновацион фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, инновациялар жорий қилинган корхона ва ташкилотлар сони 2008 йилда 683 тани ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб 1906 тани ташкил этган. Инновацияларга қилинган харажатлар 2008 йилга нисбатан 5 баробарга кўпайган бўлса-да, 2015 йилга нисбатан 53 фоизга камайган<sup>21</sup>.

Тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш мақсадида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)га ажратилган маблағларни давлат томонидан молиявий рағбатлантирилиши муҳим ҳисобланади. Бунда тадбиркорлик субъектлари томонидан ИТТКИлар учун фойдаланилаётган мол-мулк ва ер

<sup>18</sup><http://www.diplomatie.be/losangeles/media/losangeles/Belgium%20%20Introduction%20to%20R&D%20tax%20incentives.pdf>.


<sup>19</sup> OECD Science, Technology and Industry Outlook 2008 / OECD. Paris: OECD Publishing, 2008.

<sup>20</sup> Tax incentives for innovation in the Netherlands in 2014, Page 7 - 10

<sup>21</sup> <https://stat.uz/uz/statinfo/makrokorsatkichlar/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>



майдонлари бўйича солиқ чегирмаларининг берилиши мақсадга мувофиқ. Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга бериладиган имтиёзларни қўллаш орқали корхоналар янги турдаги рақобатбардош - импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти яратилади.



7-расм. 2010-2016 йилларда молиялаштириш манбалари бўйича инновацияларга қилинган харажатлар таркибий тузилиши, фовзда<sup>22</sup>

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатида солиқ имтиёзлари асосан инвестицион фаолиятни рағбатлантиришга, ишлаб чиқаришни янги техника ва технологик асбоб-ускуналар билан қайта модернизация қилиш ҳисобига корхоналар фаолиятини фаоллаштириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўпайтиришга қаратилган. Шундай экан, ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини ошириш мақсадида маҳаллий ҳокимият ташкилотлари томонидан бериладиган солиқ имтиёзлари ҳисоб-китобларини ҳудудларда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ имтиёзлари ўз самарасини берадиган бўлса, бундай имтиёзлар муддатини узайтириш ва самара бермайдиган имтиёзларни бекор қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунга боғлиқ равишда маҳаллий солиқлардан бериладиган имтиёзларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бюджет самарадорлигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай имтиёзлар берилётганда солиқ имтиёзларининг корхона ҳамда ҳудуд иқтисодиётининг ривожланишига таъсирини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий солиқлар бўйича берилётган имтиёзларини корхонада қўйилаётган самарасини ҳисоблаш услуби таклиф этилди (1 ва 2-жадваллар).

<sup>22</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Манба: <https://stat.uz/statinfo/makrokorsoatkichlar/432-analiticheskie-materialy-uz/2038-innovatsion-faoliyat>

**Маҳаллий солиқлар бўйича бериладиган имтиёзларнинг корхонада  
кутилаётган самарасини аниқлаш услуби<sup>23</sup>**

Кўрсаткичлар	Формула	Изоҳ
Маҳаллий солиқлар бўйича корхонада берилётган имтиёзлардан кутилаётган самара	$KIS = \frac{RF + IS}{CF_j \cdot D_{dar}}$	<b>KIS</b> – имтиёзнинг корхонадаги кутилаётган самараси <b>RF</b> – режалаштирилаётган фойда <b>D<sub>dav</sub></b> – дефлятор даражаси <b>IS</b> – корхоналарга солиқлар бўйича берилётган имтиёзлар суммаси <b>CF<sub>j</sub></b> – корхонанинг жорий даврдаги соф фойдаси
Солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлик даражаси	$KI_s = \frac{SI_b / ((100 + D_{dar}) / 100)}{SI_o}$	<b>KI<sub>s</sub></b> – корхона бўйича солиқ имтиёзларининг иқтисодий самарадорлик даражаси <b>SI<sub>b</sub></b> – ҳисобот даврида берилган солиқ имтиёзлари ҳажми <b>SI<sub>o</sub></b> – ўтган ҳисобот даврида берилган солиқ имтиёзлари ҳажми

Солиқ имтиёзларининг бюджет самарадорлиги даражасини аниқлашда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан маҳаллий солиқлардан берилган ёки берилиши режалаштирилаётган солиқ имтиёзлари таъсири остида солиқ базасининг ўсиш суръати ўзгариши билан маҳаллий бюджет даромадлари ҳажмига таъсирини баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, берилган солиқ имтиёзларининг ижтимоий самараси корхонага ишга жалб қилинган олий таълим муассасалари, коллеж ва академик лицей битирувчилари сони, ҳар бир ходимга тўғри келадиган иш ҳақи миқдори ошиши, хайрия мақсадларига йўналтирилган маблағларнинг миқдори ҳамда бюджет харажатларини режалаштиришда ижтимоий харажат ва нафақалар миқдорининг ошиши билан ҳам баҳоланиши мумкин.

Юқорида келтирилган барча формулалар бўйича ҳисоблаб чиқилган коэффицентлар қиймати 1,0 дан катта бўлса, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Диссертация ишида «Навоий» эркин иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг молиявий натижалари ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари бўйича берилган имтиёз суммаларининг ўзгариш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Мазкур эркин иқтисодий зонада 2016 йилда фаолият кўрсатаётган корхоналар сони 22 та бўлиб, шундан 11 та корхона солиқ имтиёзларидан фойдаланган.

<sup>23</sup>Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

Солиқ имтиёзларининг маҳаллий бюджетларга таъсир даражасини аниқлашнинг усули<sup>24</sup>

Кўрсаткичлар	Формула	Изоҳ
Маҳаллий солиқлар бўйича берилётган имтиёзларнинг маҳаллий бюджет даромадларига қўйлаётган таъсири	$SMBt = \frac{(MBD_j * D_{dav}) - IY}{MBRX}$	$SMB_t$ – солиқлар бўйича берилётган имтиёзларнинг маҳаллий бюджет даромадларига қўйлаётган таъсири $MBD_j$ – жорий даврдаги маҳаллий бюджет даромадлари $D_{dav}$ – дефлятор даражаси $IY$ – солиқлар бўйича берилётган имтиёзлардан қўйлаётган йўқотишлар $MBRX$ – маҳаллий бюджетнинг режалаштирилаётган харажатлари
Маҳаллий бюджетларга солиқлар бўйича берилётган имтиёзлардан йўқотишлар	$IY = SSB * BPS$	$SSB$ – имтиёзлар берилётган солиқлар бўйича солиқ солинадиган база $BPS$ – имтиёзлар берилётган солиқлар бўйича прогноз қилинган солиқ ставкалари
Маҳаллий солиқлар бўйича берилётган имтиёзларнинг ҳудуд иқтисодиётига қўйлаётган таъсири	$SHIt = \frac{YHM_j * Ddar}{RYHM + QQQ}$	$SHI_t$ – маҳаллий солиқлар бўйича берилётган имтиёзларнинг ҳудуд иқтисодиётига қўйлаётган таъсири $YHM_j$ – жорий даврдаги ялпи ҳудудий маҳсулот $RYHM$ – режалаштирилаётган ялпи ҳудудий маҳсулот $QQQ$ – қорхонага берилган имтиёз натижасида қўшимча яратиладиган қўшилган қиймат
Маҳаллий солиқлар бўйича ҳудудларда берилган имтиёзларнинг ижтимоий самараси	$IIS = \frac{IXS_j + YIO^*}{IXS_j}$	$IIS$ – имтиёзларнинг ижтимоий самараси $IXS_j$ – қорхонада жорий даврда ишловчи ходимлар сони $YIO$ – қорхонада янги яратилган иш ўринлари
Солиқ имтиёзларининг маҳаллий бюджет бўйича самарадорлик даражаси	$B_s = \frac{((SB_h / 100 + D_{dar}) / 100)}{SB_0}$	$B_s$ – солиқ имтиёзларининг маҳаллий бюджет бўйича самарадорлик даражаси $SB_h$ – ҳисобот давридаги маҳаллий солиқлар бўйича солиққа тортиш базаси $SB_0$ – ўтган ҳисобот давридаги маҳаллий солиқлар бўйича солиққа тортиш базаси

Ушбу тадбиркорлик субъектлари киритилган инвестиция ҳажмига қараб, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк ва ер солиқлари, ободонлаштириш ва ижтимоий

<sup>24</sup>Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга (Пенсия жамғармасидан ташқари) мажбурий ажратмаларидан озод қилинган (3-жадвал).

3-жадвал

**Навий ЭИЗда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига солиқ турлари бўйича берилган солиқ имтиёзларининг таркибий тузилмаси, фоизда<sup>25</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	-	0,2	0,1	3,2	0,1	-
Қўшилган қиймат солиғи	-	-	-	34,9	-	-
Юридик шахслардан ундириладиган мол-мулк солиғи	-	2,7	2,5	3,2	-	-
Ягона солиқ тўлови	100	84,7	87,4	51,4	89,0	94,7
Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратма	-	12,4	10,0	7,3	10,9	5,3
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Фикримизча, эркин иқтисодий зона иштирокчиларига солиқ имтиёзлари тақдим этишда умумий оқатланиш, савдо ва воситачилик ҳамда бошқа фаолиятдан олинган даромадларига нисбатан солиқ имтиёзларни қўллаш мақсадга мувофиқ эмас, солиқ имтиёзлари фақат ишлаб чиқариш, ишлар бажариш ва хизмат кўрсатиш (савдо, воситачилик ва умумий оқатланишдан ташқари) асосий фаолият тури бўлган субъектларга нисбатан қўлланиши зарур.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда иқтисодий янада ривожлантиришда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўллари» деб номланган тўртинчи бобида Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштиришда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш йўналишлари, мамлакатда солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштириш ва макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда солиқ юқини камайтириш истиқболлари ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқини камайтириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, инвестицияларни кенг жалб этиш, тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашни солиқлар воситасида рағбатлантиришга қаратилган. Ривожланган мамлакатларда кенг қўлланиладиган замонавий назорат шакли ҳисобланган камерал назоратни ўтказишнинг асосий мақсади солиқ ҳуқуқбузарликларини аниқлаш ва олдини олиш, солиқ тўловчиларнинг масъулиятини ошириш ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши устидан масофавий назоратни таъминлашдан иборат.

<sup>25</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Манба: Navoiy vijoyati Davlat soliq boshqarmasining tegishli yillardagi ma'lumotlari.

Ўзбекистонда бугунги кунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари сифатида белгиланган «тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг камерал назорати самарадорлигини ошириш орқали текширишларни ўтказиш сони ва муддатларини қисқартириш»<sup>26</sup> вазифаси муҳим йўналиш ҳисобланади. Камерал назорат натижасида шакллантирилган маълумотлар базаси солиқ тўловчиларда ҳужжатли текширишлар ўтказиш учун уларни танлаш мезони бўлиб хизмат қилади. Ушбу назорат шакли самарадорлигини баҳолаш мақсадида қўшимча манбалар ҳисобидан бюджетга ундирилган маблағлар таркиби кўриб чиқилган (4-жадвал).

4-жадвал

**Текширишлар натижасида бюджетга ундирилган қўшимча маблағларнинг таркибий тузилмаси, фоизда<sup>27</sup>**

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016
Камерал назорат ўтказиш натижаларига кўра	46,1	51,4	59,2	51,0	49,8	58,1	47,4
Текширувлар асосида ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар	50,2	44,6	36,2	44,5	45,4	36,5	44,9
Ҳисмоний шахсларнинг декларацияларини топшириш натижаларига кўра	2,6	2,0	2,3	2,2	2,6	3,2	4,5
Маъмурий жарималар	1,1	2,1	2,3	2,3	2,2	2,2	3,2
<b>Жами</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>

Камерал назорат ўтказиш натижасида қўшимча ҳисобланган маблағлар улушининг ошиши ва текширувлар асосида ундирилган солиқ ва молиявий санкциялар улушининг камайиб бориш тенденцияси кузатилган. Ушбу ҳолат камерал назорат натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг самарасини кўрсатиб турибди. Шу билан бирга камерал назорат натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммаларини ундиришда айрим муаммолар мавжуд. 2010 йилда камерал назорат натижасида қўшимча ҳисобланган солиқ суммаларининг ундирилиш даражаси 96,5 фоизга тенг бўлган бўлса, 2016 йил якуни билан 92,9 фоизни ташкил этган. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларини камерал назоратдан ўтказишдаги маъсулиятини ошириш мақсадида солиқ тўловчи томонидан топширилган солиқ ҳисоботида камерал назорат натижалари бўйича тафовутлар келиб чиққанда тафовутни юзага келиш асосларини ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаган солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари

<sup>26</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4848-сонли Фармони 5-банди.

<sup>27</sup>Муаллиф ҳисоб-китоблари. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида.

бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида судга мурожаат қилиш ҳукукини солиқ идораларига бериш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда амал қилаётган солиқ сиёсати солиқ имтиёзлари орқали ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш, корхоналар молиявий фаолиятини барқарорлаштириш ва уларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган бўлиб, бу ўз навбатида солиқ имтиёзлари ва бюджет даромадлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни оптималлаштиришни талаб этади. Чунки, солиқ имтиёзларининг мақсадли ва манзиллилигини таъминлаш орқалигина бюджет даромадларида юз берадиган камайишларни келгуси даврда қоплаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, мамлакатимиз иқтисодиётини 2017-2021 йиллардаги истиқболда ўсиш суръатларини таъминлашда солиқ юкни пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эга. Республикада макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда солиқ юкни камайтириш ва солиқ имтиёзлари қўламини кенгайтириш, мақсадлилигини ҳамда манзиллилигини ошириш бўйича истиқболни белгилаб олишда бюджет даромадларининг кескин камайишига йўл қўймаслик зарур. Шундай экан, ушбу натижаларга эришиш учун Ўзбекистон Республикаси маълумотлари асосида мазкур ҳолатни қўйидаги қўп омилли эконометрик модель асосида текшириб чиқилди.

$$Y = 2,5 - 0,274 \cdot X_1 + 0,071 \cdot X_2 + 0,127 \cdot X_3 - 0,2002 \cdot X_4 + 0,043 \cdot X_5 - 0,005 \cdot X_6$$

$$R^2 = 0,8570, F_{\text{кр}} = 2,305, t_{1, \text{кр}} = 1,29, t_{2, \text{кр}} = 0,422, t_{3, \text{кр}} = 1,89, t_{4, \text{кр}} = -0,912, t_{5, \text{кр}} = 0,121, t_{6, \text{кр}} = -0,034$$

Тузилган қўп омилли эконометрик модель таҳлили шуни кўрсатадики, ЯИМга нисбатан солиқ юкининг 1 фоизга камайиши натижасида ЯИМ ўртача 0,27 фоизга ортар экан. ЯИМга нисбатан солиқ имтиёзлари ўртача 1 фоизга ортиши, ЯИМ ўртача 0,07 фоизга ўсишини келтириб чиқарар экан. Бюджет даромадлари ўртача 1 фоизга ортса, ЯИМнинг ўртача 0,13 фоизга ўсишига эришиш мумкин экан.

Шунингдек, таҳлиллар натижаларига кўра юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасининг 1 фоизга камайиши, ЯИМни ўртача 0,2 фоизга ўсишига олиб келади, юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкасининг 1 фоизга ортиши, ЯИМнинг ўртача 0,04 фоиз ўсишига олиб келади, ягона солиқ тўлови ставкасининг 1 фоизга камайиши, ЯИМни ўртача 0,005 фоизга ўсишига олиб келади. Солиқ юкнинг 1 фоизга камайиши эса, ЯИМни ўртача 0,27 фоизга ортишига олиб келар экан. Аксарият ҳолларда солиқ юкнинг оптимал даражасини аниқлашда тадбиркорлик субъекларининг даромадлилик даражаси ва уларга яратилган имкониятлар ва қўшилган қийматнинг ҳажми каби кўрсаткичлар муҳим ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини камайтириш мақсадида фақатгина уларга имтиёз бериш эмас, балки оптимал солиқ ставкаларини ўрнатиш орқали уларнинг эркин фаолият юритишига шарт-шароитлар яратилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган солиқларни оптималлаштириш ва солиққа тортиш механизмини такомиллаштириб борилишига ҳамда муайян даражада барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади.

## ХУЛОСА

1. Бозор муносабатлари шароитида мулкчиликнинг барча шаклларидаги иқтисодий субъектлари фаолиятини эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришда солиққа тортиш механизмини такомиллаштириш иқтисодий тараққиёт барқарорлигини кафолатловчи муҳим молиявий дастак ҳисобланиб, бу – иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Республикада мазкур йўналишда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда солиқ юкини камайтириш, солиқлар воситасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулкни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш йўналишидаги давлатнинг устувор вазибаларидан бири республикада солиқ солишнинг концептуал асосларини такомиллаштириш орқали солиққа тортиш базасини кенгайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобидан давлат бюджети даромад базасини мустаҳкамлаш ва маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини таъминлашдан иборат.

2. Мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида рағбатлантиришда кенг қўламли имтиёзлар жорий этилган бўлиб, натижада ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва тадбиркорликнинг улушини ошишига ижобий таъсир этмоқда. Лекин кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан ишловчи ходимлар сони бўйича меъёрларнинг ўрнатилганлиги уларнинг йирик корхоналар тоифасига ўтишга бўлган кизиқишларига салбий таъсир этмоқда.

3. Тадқиқот ўтказилган сўронома натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда келгусида тадбиркорлик субъектларининг зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда солиқ ставкаларни табақалаштириш, солиқ солинадиган базани шакллантиришдаги ноаниқликларни бартараф этиш ҳамда мақсадли ва самарали солиқ имтиёзларини аниқлаш орқали имтиёзлар таркибини оптималлаштириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

4. Солиқ органларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялардан кенг фойдаланилмаётганлиги оқибатида масофавий назорат тизимининг такомиллашмаганлиги янги солиқ манбаларини аниқлаш, солиқларни ўз муддатларда ундиришда мавжуд молиявий маблағларни сафарбар қилиш ва солиқ солинадиган даромадларни тўлиқ ҳисобга олиш

имкониятини яратмаяпти.

5. Солиқ ҳисоботларини камерал назорат натижалари бўйича тадбиркорлик субъектларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида солиқ идораларининг ваколатлари оширилиши зарурияти шунини кўрсатадики, корхоналар томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этилмаган ҳолатда уларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиш тўғрисида судга мурожаат қилиш юзасидан солиқ идораларининг ваколатларини кенгайтирилиши солиқ тўловчилар масъулиятини оширишга хизмат қилади.

6. Республикада тадбиркорлик субъектларининг ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан ички бозорни таъминлашдаги ролини ошириш мақсадида ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш бўйича берилган солиқ имтиёзларнинг муддатини узайтириш муҳим аҳамият касб этади.

7. Маҳаллий бюджет даромадларига солиқлар бўйича берилган имтиёзларнинг таъсирини баҳолаш услубиёти ишлаб чиқилиб, бунда маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзларнинг таъсирини баҳолаш маҳаллий бюджет даромадларига қутилаётган таъсири, солиқ имтиёзларидан йўқотишлар, солиқ имтиёзларини корхона бўйича қутилаётган самарасини ҳисоблаш, солиқ имтиёзларнинг ҳудуд иқтисодиётига қутилаётган таъсири ҳамда ижтимоий самарасини аниқлашда ижобий таъсир кўрсатади.

8. Реал сектор корхоналарида маҳаллийлаштириш дастури бўйича берилган солиқ имтиёзларининг ҳисобининг юритиш ва бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш орқали солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишга ҳамда маҳсулот таннархини пасайтиришга эришилади.

9. Эркин иқтисодий зоналарда фаолият кўрсатаётган иштирокчиларга белгиланган алоҳида солиқ режимини такомиллаштириш йўналишларини сифатида савдо, воситачилик ва умумий овқатланиш фаолиятдан ҳамда бошқа даромадларга нисбатан татбиқ этилмаслик бюджет даромадларининг барқарорлигини таъминлайди.

10. Инновацион фаолиятни рағбатлантириш бўйича манзилли ва мақсадли солиқ имтиёзларини жорий этиш, илмий тадқиқот ишларини ва инновацион гояларни рағбатлантириш мақсадида корхоналар илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари учун фойдаланилаётган мол-мулк ва ер майдонлари бўйича солиқ чегирмаларини бериш тартибининг жорий этилиши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга ҳамда тадбиркорлик субъектларининг олий ўқув юрглари билан ўзаро илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик йўналишдаги алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

11. Диссертация ишида олиб борилган тадқиқотлар натижасида кўп омилли эконометрик модель тузилиб, унинг асосида солиқ юкнини оптималлаштириш мақсадида юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови ставкасининг пасайтирилиши бюджет даромадларининг ортишига, солиқ юкнининг камайишига ҳамда ЯИМни ортишига олиб келади.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ БАНКОВСКО-  
ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И  
ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО ЭКОНОМИЧЕСКОГО  
УНИВЕРСИТЕТА**

---

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ**

**АШУРОВА НАСИБА БАТИРОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ В  
ОБЕСПЕЧЕНИИ УСТОЙЧИВОГО ЭКОНОМИКОГО РОСТА**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ ДОКТОРСКОЙ (DSc) ДИССЕРТАЦИИ  
ПО ЭКОНОМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

Тема докторской диссертации (DSc) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан B2017.2.DSc/Iqt44.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Афтореферат диссертации размещён на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) на веб-сайте Научного совета ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNeb» ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)).

**Научный консультант:** Тошматов Шухрат Амонович  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Олимжонов Одиля Олимович  
доктор экономических наук, профессор

Тошмуродова Бувсара Эгамовна  
доктор экономических наук, профессор

Альмардонов Мухаммади Ибрагимович  
доктор экономических наук, профессор

**Ведущая организация:** Филiaal РГЭУ имени Г.В.Плеханова в Ташкенте

Защита диссертации состоится 15 июля 2018 года в 15 часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017. I.15.01 по присуждению ученой степени при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете по адресу: 100000, город Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрировано под номером 24). Адрес: 100000, город Ташкент, ул. Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-54-01, e-mail: [info@bfa.uz](mailto:info@bfa.uz).

Афтореферат диссертации разослан «1 июля» 2018 года  
(протокол реестра 3 от «1 июля» 2018 года).



А.Н. Бекмуродов  
Председатель научного совета по  
присуждению ученой степени, доктор  
экономических наук, профессор

У.В. Гафуров  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученой степени, доктор  
экономических наук, доцент

Н.И. Мамуров  
Председатель научного семинара на  
основе научного совета по  
присуждению ученой степени, доктор  
экономических наук, профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Мировой опыт показывает, что влияние существующего механизма налогообложения на обеспечение устойчивого темпа роста экономики, достижения увеличения доходов населения, производства импортозамещающих экспортно ориентированных товаров, стимулирование инновационной деятельности очень высока и в большинстве случаев служит критерием устойчивого роста экономики. В частности, если будем рассматривать рост показателей ВВП для стран мира по итогам 2016 года, то они составляли: в Китае, - 6,6%, в Южной Корее - 2,7%, в Германии - 1,7%, в Великобритании - 1,8%, во Франции - 1,3%, в США - 1,6%, в Японии - 0,5%<sup>1</sup>. Налоговая нагрузка по отношению к ВВП в этих странах составила 45,0%, во Франции, в Великобритании - 32,9%, в Германии - 36,7%, в США 25,45%, в Японии - 30,3%, в Южной Корее - 24,3% и 19,4% в Китае<sup>2</sup>.

В процессе глобализации экономики налоговая нагрузка оказывает прямое и косвенное влияние на позитивные изменения в инвестициях, сфере производства и торговли в развитых странах. В связи с этим в научных исследованиях в настоящее время уделяется внимание совершенствованию механизма налогообложения, посредством которого обеспечивается устойчивый экономический рост и определяется его уровень, стабильность доходов Государственного бюджета и проведение эффективной фискальной политики, являющейся важным условием осуществления экономической политики при эффективном распределении бюджетных расходов, в том числе совершенствование механизма налогообложения, стимулирование инновационной и инвестиционной деятельности посредством налоговых инструментов.

На нынешнем этапе интенсивных экономических реформ, проводимых правительством в Узбекистане, обеспечение устойчивого роста экономики включает в себя следующие приоритетные направления: проведение эффективной налоговой политики, в том числе обеспечение стабильности доходов Государственного бюджета, снижение налогового бремени, совершенствование налогового администрирования, в частности, поддержка предпринимательства посредством налоговых инструментов и всесторонняя правовая защита частной собственности, повышение эффективности предоставляемых налоговых льгот, стимулирование инвестиционной и инновационной деятельности. Реализация задач в этих направлениях будет играть решающую роль в совершенствовании механизма налогообложения на основе изучения проблем, связанных с налогообложением и льготами для хозяйствующих субъектов и предпринимателей, налоговых ставок и видов, объекта и базы налогообложения, а также с налоговым администрированием. В Стратегиях действий по дальнейшему

<sup>1</sup>Источник: <http://www.creport.ru/stat.php>

<sup>2</sup>Источник: [http://www.economywatch.com/economic-statistics/economic-indicators/Tax\\_Burden\\_Percentage\\_GDP](http://www.economywatch.com/economic-statistics/economic-indicators/Tax_Burden_Percentage_GDP)

развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. изложены задачи «...продолжение курса на снижение налогового бремени и упрощения системы налогообложения, совершенствование налогового администрирования и расширение мер соответствующего стимулирования...»<sup>3</sup>.

Данная диссертационная работа на определённом уровне служит реализации задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан №ЗРУ-418 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием дополнительных мер по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» от 29 декабря 2016 года, № ЗРУ-417 «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с принятием основных направлений налоговой и бюджетной политики на 2017 год» от 27 декабря 2016 года и Указами Президента Республики Узбекистан № УП-5308 «О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 - 2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»» от 22 января 2018 года, № -5116 «О мерах по коренному совершенствованию налогового администрирования, повышению собираемости налогов и других обязательных платежей» от 18 июля 2017 года, № УП-4848 «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата» от 5 октября 2016 года, а также другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной сфере.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями №1 № «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» в рамках проекта ГПИ-2 – «Разработка научных основ дальнейшего углубления демократических реформ, формирование гражданского общества, модернизация и либерализация национальной экономики».

**Обзор международных научных исследований по теме диссертации.** Исследования роли налогового механизма в обеспечении устойчивого экономического роста и влиянии системы налогообложения на экономический рост ведутся в ведущих мировых университетах и научных центрах, таких как: University of California, University of North Carolina at Chapel Hill, University of Chicago, The University of Miami, Illinois State University, The World Bank, Makrothink Institute, Harvard University, Suffolk University (США), American University of Nigeria (Нигерия), Hiroshima

---

<sup>3</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». – [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

University (Япония), Hanyang University (Южная Корея), Università Degli Studi di Palermo (Италия), The University of Faisalabad (Пакистан), Oxford University, Institute for Fiscal Studies (Великобритания), Финансовый Университет при правительстве Российской Федерации, Орловский государственный университет имени И.С.Тургенева (Россия).

В мире был проведен ряд исследований по совершенствованию механизма налогообложения деятельности субъектов предпринимательства и его влияния на экономический рост страны, и получены следующие результаты: доказано, что увеличение ставки налога на прибыль юридических лиц негативно влияет на экономический рост, а повышение ставки подоходного налога с физических лиц на оборот (Hiroshima University, Япония); изучив влияние налогов на экономический рост, было обосновано, что снижение ставки налога на доход с физических лиц на 10% приведёт к ежегодному экономическому росту на 1-2% (Hanyang University, University of Chicago); на основе регрессивного анализа было изучено влияние механизма налогообложения на инвестиции и экономический рост, и исследована вероятность снижения суммы инвестиций при увеличении ставки корпоративного налога на 1% (Makrothink Institute, Нигерия); изучено влияние изменений в прямых и косвенных ставках налога на экономический рост и научно обосновано, что рост страховых премий и ставки потребительского налога с физических лиц оказывает большее негативное влияние на рост ВВП на душу населения (Università Degli Studi di Palermo, Италия); доказана эффективность стимулирования субъектов предпринимательства и использование налоговых льгот в качестве фактора экономического роста (Suffolk University, Boston, США); изучив налоговый механизм как средство устойчивого экономического роста и как инструмент для проведения социально-экономической политики государства, была предложена схема его реализации (Орловский государственный университет, Россия).

**Степень изученности проблемы.** Теоретические взгляды, связанные с налогообложением, исследованы в научных трудах таких учёных-экономистов, как А.Смит, Д.Рикардо, У.Петти, А.Лаффер, Т.Гоббс, П.Самуэльсон, Ю.Фишер, К.Макконнелл, Н.Менкью, С.Брю, В.Белостоцкая, С.Барулин, Е.Кирова, Е.Егорова, Д.Черник, Т.Юткина, В.Титов, Л.Минь, Д.Юм<sup>4</sup>. В научных исследованиях узбекских учёных А.Вахабов,

---

